



АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупова Ф.З.

Тошкент архитектура-қурилиш университети
“Архитектура ёдгорликлари реставрацияси” кафедраси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15117319>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Dekabr 2024 yil
Ma'qullandi: 28- Dekabr 2024 yil
Nashr qilindi: 31- Dekabr 2024 yil

KEYWORDS

Тарих, Цитадель,
Шаҳристон, Работ, меъмор,
шаҳар маданияти, ёдгорлик,

ABSTRACT

Мазкур мақолада қадимда яшаб ижод этган ҳалқ усталари ва меъморлари томонидан, юксак ақл – заковат, чуқур билимлари ёрдамида қурилган турар-жой бинолари, архитектура ёдгорликларининг ўзига хос тарзда мустаҳкамликка эга бўлганлиги хақида сўз юритилган.

Қадимги даврда темир - бетон ашёлари кашф қилинмаган, бир пайтда ҳалқ усталари томонидан қурилган турар-жой бинолари, архитектура ёдгорликлари ўзига хос тарзда мустаҳкамликка эга бўлган. Асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган архитектура ёдгорликлари қадимги бинокор ва меъморларнинг юксак ақл - заковати, чуқур билимга эга бўлганлигидан далолат беради. Шу ўринда буюк бобомиз Амир Темур соҳибқироннинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтишимиз мумкин, яъни “Агар бизнинг куч қудратимизга шубхангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг”.

Қадимда яшаб ижод этган ҳалқ усталари фақатгина бой тажрибага асосланиб қолмасдан, балки, меъморчиликнинг ўша даврида мавжуд бўлган назарий ғояларга ҳам суяниб иш тутганлар. Қадимий меъморий обидалар бунёд этилишидан аввал, меъморлар томонидан тайёрланган чизмалар лойихаси бинони қурадиган усталар муҳокамасидан ўтган.

Доимо ҳавф солиб келган зилзилалар даҳшати Ўрта Осиё меъморлари диққат эътиборидан четда қолмаган, албатта. Шу кунгача сақланиб қолинган тарихий обидаларимиз бунга яққол мисолдир. Хақиқатдан ҳам қадимги меъморларимиз зилзила кучлари атроф – мухитга, бино ва иншоотларга таъсир этиш қонуниятларини яхши ўзлаштирганлар. Қадимги даврларда бино қуришда қўлланилган ғиштларнинг ўлчамлари ҳам иншоотдаги кучланишнинг кесим бўйича текис тарқалишини таъминлаган, чунки ғиштларнинг тузилиши, айниқса меъморий ёдгорликларда квадрат шаклида бўлган.

Қадимги меъморлар қурилиш ашёлари ва конструкцияларини бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигининг таъминловчи энг яхши усул деб хисоблаганлар. Бу эса албатта ўз навбатида қурилиш қоришмаси сифатида ганч ва лойдан фойдаланишган, махсус конструкцияларини ишлаб чиқишга ҳамда меъморий обидаларнинг пойдеворлари қисмида қамиш тасмалар қўлланишга олиб келган.

Пишиқ ғишт теришда асосан соз тупроқдан тайёрланган лой ҳамда ганч қоришмаси қўлланилган. Ганч тез қотувчан бўлганлиги учун қурилишни ўзида оз - оздан тайёрланган. Ғишт теришда ганч ҳеч қачон соф ҳолда ишлатилмаган. Унга албатта соф тупроқ ёки кум қўшиб ишлатилган. Ғишт теришда йирик донали ганчдан фойдаланилган. Йирик донали ганч секин қотади. Бу эса, мустаҳкамликнинг ортишига олиб келади. Қадимги усталар фикрича ганч ўзининг тўлиқ мустаҳкамлигига бир йил мобайнида эришар экан.

Тарихдан маълумки, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Сирдарё бўйида жойлашган Шоҳруҳия шаҳри мутахассис ва археологлар томонидан кўп мартаба ўрганилган. Ёдгорлик Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган бўлиб, унинг ярмини дарё ювиб кетган. Шоҳруҳия 3 қисмдан (цитадель, шаҳристон, ва работ) иборат бўлиб, булар қуйидагича изоҳланади, яъни:

Цитадель - қолган қисмларга кўра, мустаҳкам қисм бўлиб, шимоли ғарбий қисмда жойлашган, шаҳарнинг қолган қисмлари каби цитаделни ҳам

ярмини ҳозирги кунга келиб дарё ювиб кетган. Цитаделни ўлчамлари – 40 x 30 метрдан иборат бўлиб, атроф муҳитга нисбатан 1,2- 1,5 м баландликда жойлашган.

Шаҳристон - бу алоҳида катта шаҳар бўлиб, ҳозирги кунда тўғри бурчакли учбурчак шаклида, катети 600 x 400 м., гипотенузаси эса 800 м. ни ташкил этади. Шаҳристон шаҳарнинг қолган қисмидан 15-17 м. баландликда жойлашган. Дарё томондан қирғок баландлиги 25-30 метр эга. Амир Темур даврида шаҳар атрофи қалинлиги 8 м. бўлган кўрғон девор билан ўраб чиқилган, ҳар 25-30 м. да кўриклаш учун миноралар ўрнатилган.

Работ - бу шаҳарнинг мустаҳкам қисми бўлиб ҳозирги кунда асосан жанубий ва шарқий қисми сақланиб қолган. Жануб томонга 3-4 км. ёйилган ва шарқий томонга 4 км. атрофида чўзилган. ҳозирги кунда работ бутунлай қишлоқ хўжалиги йўқ қилиб ташланган, фақатгина маданий қатламдан работ чегарасини тахминий аниқлаш мумкин

Маълумки, Ўзбекистонда ўзбек халқининг маданий меросини сақлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Мустақиллик йилларида давлат ташкилотлари ҳамда Ўзбекистоннинг маданий ёдгорликларини сақлаш Бош Бошқармасининг ҳаракати билан жуда кўп ажойиб архитектура ёдгорликлари қайта тикланиб, тамомила ҳароб бўлиб кетишидан сақлаб қолинмоқда.

Мамлакатимиздаги тарихий шаҳарларнинг барчаси Марказий Осиёда асрлар бўйи одамлар меҳнати билан обод бўлган. Неча-неча авлодлар меҳнати билан чўлбиёбонлар боғ-бўстонга айлантирилган, кум саҳроларида шаҳарлар барпо қилинган. Турли даврларда пайдо бўлган мухташам бинолар, иншоотлар халқ усталарининг меҳнати ва донолигининг рамзи бўлиб турибди.

Агар биз узоқ ўтмишга, кекса тарихга фикран назар ташласак, ер юзида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганлигини, одамлар ўзлари ҳам қанақа ўзгарганлигини, бир хил эски мафкура ўрнига бошқаси, ёшини яшаб бўлган бир хил эски ижтимоий тузум ўрнига гуриллаб янгисини келганини тасаввур қиламиз, бунга сабаб, археологларимиз томонидан уларнинг серкашфиётлиги билан кишини ўзига жалб қиладиган ғоят мароқли касбларидан биридир.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Т.:2002.
2. Булатов С. “Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XVвв”.-М.: «Наука», 1988
3. Булатов М.С. Урда и крепость 1865г. в Ташкенте. САУ.№11, 1981.
4. Ахмедов М. «Меъморий меърос», Тошкент-2011
5. Ноткин И.И. Искусство древних. Ташкент: Изд-во "Узбекистан", 1967
6. Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Изв.АНУзССР, №2.,Т 1954.
7. Салимов А.М. Сохранения и использования памятников архитектуры Узбекистана. Монография. Т. Изд."Фан", 2009.
8. Салимов О. “Тарихий шаҳар марказларини қайта тиклашда тадқиқот асослари” . Ўқув қўлланма. Тошкент-2013

